

Истеъмолчи бурчаги

Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга!



- товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
- товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
- товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;
- ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуксони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;
- бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;
- Мажбурий сертификатладиган товарларнинг мувофиқлик сертификати билан танишиш;
- Товар ва хизматлар учун нақд пул ёки банк пластик карточкалари орқали тўловни амалга ошириш.

Агарда, Сизнинг истеъмолчилик ҳуқуқингиз бузилган бўлса, жумладан сертификати бўлмаган, яроқлилик муддати ўтган, сақлаш шароитига амал қилинмаган товарлар тўғрисида таалукчилиги бўйича қуйидаги ташкилотларга мурожаат этишингиз мумкин:

“Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ишонч телефони рақами: **1159**

“Ўзстандарт” агентлигининг ишонч телефони рақами: **(78) 150-23-00**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишонч телефони рақами: **1003**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ишонч телефони рақами: **(71) 244-05-05**


Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ишонч телефони рақами: **(71) 236-26-66**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ишонч телефони рақами: **1198**

Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитасининг ишонч телефони рақами: **(71) 202-12-00 ички (201)**



Ҳурматли истеъмолчилар, маҳсулотларни харид қилиш жараёнида қуйидагиларга эътибор беринг!



- Савдо дўконларида сотилаётган товарларнинг нархномалари мавжудлигига;
 - товар ёрлиғида ишлаб чиқарувчининг номи, истеъмол хусусиятлари, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, вазни, сақлаш қоидалари, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирган нарсалар, шу жумладан озиқ-овқат қўшимчаларининг номи, озиқлик қиммати, нави каби маълумотлар мавжудлигига;
 - мажбурий тартибда сертификатладиган маҳсулотларнинг (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, табиий асал, жониворлардан тайёрладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, жониворларнинг ички аъзолари, сабзавотлар, истеъмол қилиш мумкин бўлган мева ва ёнғоклар, қахва, чой, зираворлар, дон маҳсулотлари, ун ва дон саноати маҳсулотлари, крахмал, инулин, бугдой клейковинаси, ерёнгоқ, сабзавот шарбатлари ва экстрактлари, ҳайвонлар ва ўсимлик ёғлари, гўшт, балиқ ва қисқичбақасимонлар ёки сувдаги умуртқасиз жонзодлар, шакар ва қандолат маҳсулотлари, какао ва унинг маҳсулотлари, донли ўсимликларнинг тайёр маҳсулотлар, сабзавот, мева ва ёнғоклардан қайта тайёрладиган маҳсулотлар, алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар, сирка, умумий овқатланиш қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилиб тарқатиладиган озиқ-овқат, пазандачилик ва ярим тайёр маҳсулотлар, тамаки ва тамаки ўрнини босувчи маҳсулотлар, истеъмол тузи ва бошқа маҳсулотлар) мувофиқлик сертификати мавжудлигига;
 - бозор ҳудудида сотиладиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан ветеринария-санитария экспертизаси лабораториясининг ёки давлат ветеринария хизмати органининг ҳулосаси мавжудлигига;
 - хоҳишингизга кўра оғирлиги 400 грамм ва ундан ортиқ бўлган нон, нон-булка маҳсулотлари (ўралганларидан ташқари) 2—4 та тенг бўлақларга кесилиб сотилиши мумкин;
 - гўшт-сут, балиқ, қандолатчилик маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр масаллиқлар ва бошқа тез бузиладиган маҳсулотларни фақат совутиладиган пештахталар, витриналарда сотилишига;
 - мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларида давлат тилида маълумотлари мавжудлигига;
 - тарозилар «Ўзстандарт» агентлиги органларининг текшириш тўғрисидаги кўзга яққол ташланадиган ишонч тамғасига ёки гувоҳномасига эгаллигига.
- Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади!**
- нуксонли товар сотилганда истеъмолчи (яроқлилик муддати ёки қафолат муддати давомида, агар муддати ёки қафолати белгиланмаган бўлса, 6 ой ичида), агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:
 - товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;
 - товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;
 - товарнинг нуксонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуксонларини бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;
 - харид нархини нуксонга мутаносиб равишда камайтириш;
 - маблағни қайтариб олиш.
 - Истеъмолчининг талаблари уларга касса ёки товар чеки тақдим этилган тақдирда, қафолат муддати белгиланган товарлар эса - тақдим этилган техник паспорт ёки қафолат талони асосида кўриб чиқилади.